

«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ томонидан чиқарилган якка тартибдаги тадбиркорларнинг банк карталарига миллий валютада хизмат кўрсатиш бўйича Қўшилиш шартномаси

«ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ, кейинги ўринларда Банк деб номланади, бир томондан, ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банк карталарига миллий валютада хизмат кўрсатиш бўйича Қўшилиш шартномасига қўшилиш тўғрисида Ариза (кейинги ўринларда - Ариза) бериш орқали қабул қилиш истагини билдирувчи Якка тартибдаги тадбиркор, кейинги ўринларда Якка тартибдаги тадбиркор деб аталувчи, иккинчи томондан, мазкур шартномани қўйидагилар ҳақида туздилар:

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

Ушбу шартнома, Банк ва Якка тартибдаги тадбиркор ўртасидаги Банк томонидан берилган Якка тартибдаги тадбиркор сўм банк картаси (бундан бўён матнда Карталар деб юритилади) ёрдамида савдо нуқталарида (хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш) ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўйича муносабатларни тартибга солади.

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 360-моддасида белгиланган тартибда Якка тартибдаги тадбиркорнинг Шартномага қўшилиш шаклида тузилади.

Якка тартибдаги тадбиркор томонидан Аризанинг тўлдирилиши ва имзоланиши Якка тартибдаги тадбиркорнинг Шартноманинг шартларини тўлиқ ва ҳеч қандай қўшимча шартларсиз қабул қилганлигини тасдиқлади. Аризани имзолаш вақтида Якка тартибдаги тадбиркор томонидан Шартнома шартларини ўзгартириш учун қўйилган ҳар қандай қўшимча шартлар юридик кучга эга эмас.

Тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришдан аввал Якка тартибдаги тадбиркорга Шартнома матни ва Банк Тарифлари билан танишиб чиқиш ҳуқуқи берилади. Якка тартибдаги тадбиркор Шартнома матнининг чоп этилган бир нусхасини олиш ҳуқуқига эга.

1. ТУШУНЧАЛАР

Карта	Банк томонидан чиқарилган якка тартибдаги тадбиркорнинг сўм банк картаси. Карта Банк мулки ҳисобланади ва банк томонидан Якка тартибдаги тадбиркорга вақтинча фойдаланиш учун тақдим этилади.
ЯТТСКХ	Банк томонидан якка тартибдаги тадбиркор учун Картадан фойдаланган ҳолда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун очилган якка тартибдаги тадбиркорнинг сўм карта ҳисобварафи.
Терминал	товар ва хизматлар учун Карта билан тўловларни амалга оширишда, шунингдек, Картадаги маълумотномаларни тақдим этишда ишлатиладиган қурилма.
Корхона	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ёки хизматлар учун Якка тартибдаги тадбиркор билан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш воситаси сифатида Картани қабул қиласидаган якка тартибдаги тадбиркор.
ПИН-кодлар	Карта билан операцияларни тасдиқлаш, шунингдек, Картада сақланадиган маълумотларга учинчи шахсларнинг киришини чеклаш учун мўлжалланган маҳсус кодлар. ПИН-кодлар конфиденциал маълумотлар бўлиб улар сир сақланиши шарт. Якка тартибдаги тадбиркор ПИН-кодларнинг хавфсизлиги учун жавобгардир.
Квитанция	Карта билан амалга оширилган операцияни тасдиқлаш учун Терминалдан чиқариладиган чек (товар ва хизматлар учун тўлов). Товарлар ва хизматлар учун терминаллар орқали тўловларни амалга оширишда тақдим этилган

Терминаллар квитанциялари, Корхона ходимининг имзоси ва "тўланган" муҳри билан ҳисоб-фактуралар ва квитанцияларнинг асл нусхалари ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланади. Бундай ҳолда, товарлар ёки хизматларни сотувчи ва якка тартибдаги тадбиркор ўртасида тегишли битим тузилиши керак.

Қайтариш	якка тартибдаги тадбиркорнинг Карта ёрдамида сотиб олинган, корхона томонидан тасдиқланган ва корхона томонидан якка тартибдаги тадбиркорнинг ЯТТСКХ-га рўйхатдан ўтиш учун белгиланган шаклда амалга оширилган товар ва хизматлардан воз кечиши сабабли маблағларнинг ҳар қандай қайтарилиши. Пулни қайтариб бериш нақд пул билан амалга оширилмайди.
Стоп лист	Банк томонидан операциялар тақиқланган карталар рўйхати, Якка тартибдаги тадбиркорнинг Картанинг йўқолиши ёки яроқсиз ҳолатга келиши сабабли расмий мурожаатидан сўнг, Картани Стоп листга қўйиш учун якка тартибдаги тадбиркор Карта рақамини кўрсатган ҳолда ёзма равища Банкка ариза тақдим этади.
Тариф	Картадан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширишда Якка тартибдаги тадбиркор томонидан Банк фойдасига тўланадиган комиссия. Банк Тарифни мустақил равиша белгилаш ҳуқуқига эга.
МБПМ	БТТ (Банклараро тўлов тизими) да иштирок этувчи банклар билан шартномавий муносабатларга эга бўлган микропроцессор карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг иштирокчилари ўртасида ўзаро ахборот клиринг транзакцияларни амалга оширадиган «Milliy Banklararo Protsessing Markazi» МЧЖ, (МБПМ, HUMO)
ЯУПМ	БТТ (Банклараро тўлов тизими) да иштирок этувчи банклар билан шартномавий муносабатларга эга бўлган микропроцессор карталаридан фойдаланган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг иштирокчилари ўртасида ўзаро ахборот клиринг транзакцияларни амалга оширадиган "Ягона Умумреспублика Процессинг Маркази" МЧЖ (ЯУПМ, UZCARD).
Шартнома	Куйидаги ҳужжатлар мажмуи: мазкур шартнома, мазкур шартномага қўшилиш учун Ариза ва тегишли йўриқномалар.
Шартномага қўшилиш бўйича Ариза (Ариза)	Якка тартибдаги тадбиркорнинг «ОРИЕНТ ФИНАНС» ХАТБ томонидан чиқарилган якка тартибдаги тадбиркорларнинг банк карталарига миллий валютада хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномага қўшилишга хоҳиш билдирганлигини акс эттирувчи ҳужжат.

2. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

2.1. Картани олиш учун Якка тартибдаги тадбиркор банқда сўмдаги талаб қилиб олунгунча асосий депозит ҳисобварағига эга бўлиши керак. Банк Якка тартибдаги тадбиркорнинг Картасини чиқариш тўғрисидаги аризаси асосида 10 (үн) иш куни ичida Якка тартибдаги тадбиркорга ЯТТСКХ очади, Картани тайёрлайди ва уни Якка тартибдаги тадбиркорга беради.

2.2. Банк UZCARD EMV ва/ёки HUMO (онлайн операциялар) тизимидағи банк карталарига хизмат кўрсатишни амалга оширади.

2.3. Якка тартибдаги тадбиркор Картанинг ягона фойдаланувчиси ҳисобланади ва учинчи шахс номига қўшимча карта очишга ҳакли эмас.

2.4. Якка тартибдаги тадбиркор миллий валютадаги банк карталаридан Ўзбекистон Республикаси худудида ишлаб чиқариш, савдо, хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш фаолияти билан боғлиқ бўлган, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳар қандай харажатлар бўйича тўловларни амалга ошириши мумкин. Картадан иш ҳақи ва бошқа ижтимоий характердаги тўловларни тўлаш, шунингдек, нақд пул олиш учун фойдаланиш ҳамда чет эл валютасини сотиб олиш тақиқланади.

2.5. Якка тартибдаги тадбиркор картаси орқали амалга оширилган тўловларнинг қонунийлиги учун жавобгарлик ЯТТСКҲ очган якка тартибдаги тадбиркор зиммасига юкландади.

2.6. Якка тартибдаги тадбиркорнинг ЯТТСКҲдаги қолдиқ маблағларига фоизлар ҳисобланмайди.

2.7. Банк Картани чиқариш, ЯТТСКҲ очиш ва ЯТТСКҲга пул маблағларни ўтказиш учун Банкнинг амалдаги Тарифига мувофиқ тўлов ундиради.

2.8. Карта очилганда, Якка тартибдаги тадбиркор исталган талаб қилиб олингунча депозит ҳисоб рақамидан (23104) рақамли транзит ҳисобварағига, ЯТТСКҲга тушадиган керакли маблағларни ўтказади.

2.9. Карта, амал қилиш муддати тугагандан сўнг, алмаштирилганда, ЯТТ бошқа банкка ўтганда ёки Банкнинг расмий талабига биноан Банкка қайтарилиши керак.

2.10. Йўқотилган ёки ўғирланган картани Банк Якка тартибдаги тадбиркор картани ўйқотиш тўғрисида ёзма ариза берган кундан бошлаб 20 банк иш куни ичидаги алмаштиради.

2.11. ЯТТСКҲга хизмат кўрсатиш дебет схемаси бўйича амалга оширилади.

2.12. Ушбу шартнома бўйича барча ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси - сўмда амалга оширилади.

2.13. Банк ЯТТСКҲ/Картага Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, тўлов тизимлари қоидаларига, ушбу Шартноманинг шартларига ва Банкнинг бошқа ички меъёрий хужжатларига мувофиқ хизмат кўрсатишни амалга оширади.

2.14. Якка тартибдаги тадбиркор Банкка қўшимча фармойишиз ва розилигисиз ЯТТСКҲда бўлган пул маблағларини, Карта/ЯТТСКҲ билан амалга оширилган барча операциялар учун ЯТТСКҲдаги маблағларни ҳисобдан чиқаришга, шу жумладан Банкнинг ҳар қандай комиссиялари ва тўловлари, банк олдидағи қарздорлик, жарима ҳамда бошқа суммаларни амалдаги қонунчиликга мувофиқ, ушбу Шартноманинг шартлари, амалдаги тарифлар бўйича амалга оширилган ҳар қандай операциялар бўйича пул маблағларини ҳисобдан чиқаришга Якка тартибдаги тадбиркор ўзининг ҳар қандай қўшимча бўйруғи ва розилигисиз ва қайтариб бўлмайдиган розилигини беради.

2.15. Банк Якка тартибдаги тадбиркорга Картадан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган операциялар тўғрисида унинг ўзи томонидан ҳар бир операцияни амалга оширганлиги тўғрисида SMS-хабарнома юбориш орқали хабар беради. Картадан фойдаланган ҳолда ўтказилган операциялар тўғрисида хабар бериш учун комиссия миқдори ва тартиби Банк тарифларида белгиланади.

2.16. Бунда, Якка тартибдаги тадбиркор банкка SMS-хабарнома орқали хабар бериш учун мобил телефон рақамини кўрсатиб ариза тақдим этади. Якка тартибдаги тадбиркор исталган вақтда Банкка ариза юбориш орқали SMS-хабарнома хизматини (SMS-банкинг) улаш/ўчириш/ўзгартириш ҳукуқига эга.

2.17. Якка тартибдаги тадбиркор ўз мобил телефон рақамини кўрсатишни ва SMS-хабарнома хизматидан фойдаланишни рад этиш ҳукуқига эга. Бундай ҳолларда, Якка тартибдаги тадбиркор ҳар иш кунида банкка шахсан мурожаат қилиш орқали ЯТТСКҲ бўйича ҳисботларни олиш ҳукуқига эга.

3. БАНКНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Банк қуидагиларни ўз зиммасига олади:

3.1.1. Картани тақдим этганда, фойдаланувчини Картадан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар, шу жумладан уни ишлатиш шартлари ва хавфсизлик чоралари, шунингдек, Банк тарифлари билан таништириш;

3.1.2. Якка тартибдаги тадбиркорнинг карта билан амалга оширган барча операциялар миқдори, ЯТТСКҲдаги қолдиқни камайтириш, шунингдек, ушбу операциялар учун Банк комиссияси суммаси, агар улар кўзда тутилган бўлса, ЯТТСКҲдан ҳисобдан чиқариш (дебетлаш).

3.1.3. ЯТТСКҲга нақдсиз усулда келиб тушган маблағларни кредитлаш (ўтказиш);

3.1.4. Якка тартибдаги тадбиркорнинг талабига биноан, Банкнинг амалдаги Тарифларига мувофиқ пуллик асосда ЯТТСКҲдан кўчирмалар бериш орқали Картадан фойдаланиш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш;

3.1.5. банк картасини йўқотиш ва (ёки) банк картасидан рухсатсиз фойдаланиш тўғрисида туну кун хабар бериш имкониятини таъминлаш;

3.1.6. Якка тартибдаги тадбиркорнинг Картани йўқотиш (ўғирлаш ва ҳ.к.) ва (ёки) рухсатсиз фойдаланилиши тўғрисида ариза/мурожаат қабул қилинган пайтдан бошлаб дарҳол Карта бўйича хизматларини кўрсатишни тўхтатиб қўйиш ва Картани блокировка қилиш;

3.1.7. Якка тартибдаги тадбиркорга амалдаги Тарифларда назарда тутилган Картадан фойдаланиш ва тўлов технологияси бўйича маслаҳатлар бериш;

3.1.8. Тарифлар, шунингдек, Карталардан фойдаланган ҳолда хизматлар кўрсатиш шартлари ва тартиби ўзгарган тақдирда, ушбу ўзгартиришлар киритилишидан камида 10 кун олдин Банкнинг расмий веб-сайтига (www.ofb.uz) маълумот жойлаштириш орқали Якка тартибдаги тадбиркорга хабар бериш;

3.1.9. Якка тартибдаги тадбиркорга нисбатан банк сирини ташкил этувчи барча маълумотларнинг махфийлигини кафолатлаш;

3.1.10. Якка тартибдаги тадбиркорга Картага хизмат кўрсатиш учун олинадиган комиссия микдори ва тартиби, тўловни тўламаган тақдирда қарзни ҳисоблаш тўғрисида хабар бериш, шунингдек, Якка тартибдаги тадбиркорга унинг Картасига хизмат кўрсатишга бўлган ушбу шартномада кўзда тутилган комиссия учун тўловни тўлаш фактининг тасдиқланганлигини тақдим этишни таъминлади.

3.1.11. Ушбу шартнома бекор қилинганда, Карта бўйича олдин амалга оширилган операциялар бўйича барча ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказиб бўлинганидан сўнг, Якка тартибдаги тадбиркорнинг талаб қилиб олунгунча ҳисобига ЯТТСКХда бўлган қолдик пул маблағларини қайтариш.

4. ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Якка тартибдаги тадбиркор қуидаги мажбуриятларга эга:

4.1.1. Картадан амалдаги қонунчиликка, ушбу Шартномага ва Шартноманинг 1-иловасига (шартлар ва хавфсизлик чоралари), тўлов тизимлари қоидаларига асосан фойдаланиш бўйича кўрсатмаларга мувофиқ фойдаланиш, ЯТТСКХ бўйича амалга оширилган барча операциялар учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш;

4.1.2. Ушбу шартнома шартларини бажариш;

4.1.3. ЯТТСКХдаги қолдик (мавжуд) маблағлар доирасида ва унинг амал қилиш муддати давомида Картадан фойдаланиш;

4.1.4. Якка тартибдаги тадбиркор карта ПИН-кодини молиявий ва тижорат сирлари даражасида махфийлигини сақлаш;

4.1.5. Банкнинг тамалдаги Тарифларига мувофиқ Карта билан амалга оширилган барча операциялар учун комиссия тўлаш;

4.1.6. Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ушбу шартнома шартларини бузилиши билан боғлиқ барча харажатларни тўлаш;

4.1.7. Картани йўқотиш (ўғирлаш) ва/ёки рухсатсиз фойдаланиш ҳолатларида, шунингдек, ПИН-код учинчи шахсларга маълум бўлган тақдирда, зудлик билан Банкка телефон орқали, шу жумладан Банкнинг Контакт-марказига Картани блокировка қилиш тўғрисида хабар бериш ва Картани блокировка қилиш бўйича чоралар кўриш;

4.1.8. Ушбу шартнома бекор қилинганда ёки Якка тартибдаги тадбиркор иш фаолияти тўхтатилганда, Картани ишчи ҳолатда Банкка қайтариш, ЯТТСКХни ёпиш. Агар Картани қайтариб бериш иложи бўлмаса амалдаги Тарифларига мувофиқ комиссия тўлаш;

4.1.9. Якка тартибдаги тадбиркор ҳисоб рақами 2-сонли картотекага киритилиши сабабли банк картасидан дебет қилинган маблағларни тиклаш;

4.1.10. Банкнинг биринчи талаби билан Картани қайтариб бериш;

4.1.11. Картани чиқарилганлиги/ЯТТСКХ очилганлиги тўғрисидаги аризада кўрсатилган маълумотлар (манзили, Ф.И.Ш., телефонлар рақамлари ва бошқа реквизитлар) ўзгарган тақдирда, барча ўзгаришлар тўғрисида, бундай ўзгаришлар вужудга келган пайтдан бошлаб 5 (беш) иш кунида Банкни ёзма равишда хабардор қилиш. Ушбу бандда кўрсатилган маълумотларни тақдим қилмаслик ёки Банкга ўз вақтида тақдим қилмасликдан келиб чиқадиган барча хатарлар Якка тартибдаги тадбиркор зиммасига юклатилади.

5. БАНКНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

5.1. Банк қуидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. Ишлаб чиқариш зарурати бўлган тақдирда, Картани тақдим этишни талаб қилиш ва Якка тартибдаги тадбиркордан картани олиш, бунда картани олиб қўйилиши кутилаётган санадан камида 3 (уч) кун олдин хабардор қилиш;

5.1.2. хавфсизлик мақсадида Картани вақтинча блоклаш;

5.1.3 картадан бир кунда ёки бир ойда максимал ечиб олиш мумкин бўлган нақд пул миқдори лимитини мустақил равишда белгилаш;

5.1.4. Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ушбу шартнома шартлари бузилиши билан боғлиқ бўлган барча қарзлар ва харажатларни тўлашни талаб қилиш;

5.1.5. Якка тартибдаги тадбиркор Картани ишлатиш тартибини, ушбу Шартнома шартларини бузса, Карта эгасидан олинган хабарнома/ариза асосида ёки ўз ташаббуси билан Картадан фойдаланишни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш.

5.1.6. Амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳолларда Картадан фойдаланган ҳолда операцияларни тўхтатиш ёки чеклаш.

5.1.7. Банк қуидаги ҳолатларда банк картаси орқали операциялар ўтказишини вақтинча тўхтатиш қўйиш ҳамда банк картасини муомаладан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин:

- банк картаси ёки унинг реквизитларидан ноқонуний фойдаланишни тасдиқловчи ҳолатлар мавжудлигида;
- банк картасидан фойдаланиш ваколатига эга бўлмаган шахслар томонидан ишлатилганда;
- банк карталаридан фойдаланиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган бошқа ҳолатларда;
- қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

5.1.8. Мижоз бир банк картасидан иккинчисига кунига 5 дан ортиқ транзакцияни амалга оширган ҳолларда, агар транзакция суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлса, Банк карта бўйича операцияларни бир томонлама тартибда уч иш куни давомида тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга.

6. ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

6.1. Якка тартибдаги тадбиркор қуидаги ҳуқуқларга эга:

6.1.1. ЯТТСКҲни ўзининг исталган талаб қилиб олгунча ҳисоб ракамидан маблағ ўтказиши орқали тўлдириш;

6.1.2. Картасидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган барча операциялар ва банк тарифларига мувофиқ ЯТТСКҲ ҳолати тўғрисида маълумот олиш;

6.1.3. Картани олгандан сўнг, Хавфсизлик мақсадида уни ПИН-кодини ўзининг хоҳишига кўра Банк ускуналари (терминаллар, банкоматлар, инфокиосклар) ёрдамида ўзгартириш;

6.1.4. ЯТТСКҲдан олинган кўчирма бўйича норози бўлганда ва/ёки белгиланган тартибда амалга оширилган операциялар бўйича баҳсли масалалар юзага келган тақдирда ёзма равишда даъво киритиш;

6.1.5. Йўқотилган (ўғирланган) ёки амал қилиш муддати тугаган тақдирда амалдаги Картани қайта расмийлаштириш тўғрисида тегишли ариза билан Банкка мурожаат қилиш;

6.1.6. Банкка тегишли ёзма ариза бериш орқали Картани тўхтатиб туриш (блокировка қилиш) ёки муддатидан олдин фаолиятини тўхтатиш ёки Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш.

6.2. Амалга оширилган операциялар тўғрисида Банк томонидан Корхоналардан маълумотлар олмагунча, Якка тартибдаги тадбиркор Банқдан пулни қайтаришни талаб қилишга ҳақли эмас;

7. КОМИССИОН ТЎЛОВЛАР

7.1. Банк Якка тартибдаги тадбиркордан банкнинг амалдаги тарифлари бўйича комиссион тўловлар ундиради.

7.2. ЯТТСКХга маблағни ўтказиш учун комиссион түловлар, Банк томонидан мижознинг буйруғисиз мустақил равишида Фуқаролик кодексининг 783-моддасига мувофиқ, 23104-сонли транзит ҳисобварағидан Банкга тегишли бўлган миқдорда мемориал ордер орқали амалга оширилади.

7.3. ЯТТСКХни очиш бўйича комиссион тўлов 45294 ҳисобварағига алоҳида тўлов топшириғи билан ўтказилади.

8. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Банк, картани йўқотиш (ўғирланиши) ва (ёки) ўзбошимчалик билан фойдаланиш тўғрисида банкка ариза беришдан/хабар беришдан олдин, кимдир томонидан амалга оширилган операциялар (транзакциялар) ва молиявий заарлар учун, шунингдек, ПИН-код учинчи томонга маълум бўлганда жавобгар бўлмайди.

8.2. Учинчи томон ташкилотлари (ЯУПМ ёки МБПМ) айби билан UZCARD EMV ёки НУМО тизимининг ишламай қолгани учун Банк жавобгар бўлмайди.

8.3. Қуйидаги ҳолларда, Банк, картадан рухсатсиз фойдаланиш натижасида йўқотилган пул маблағларини қоплашни рад этади ва мажбуриятни ўз зиммасига олмайди:

- Якка тартибдаги тадбиркор томонидан ушбу Шартномада кўзда тутилган Картадан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаса;

- Якка тартибдаги тадбиркор ўзининг Картасидан фойдаланган ҳолда жиноят (ноқонуний ҳаракатлар) содир этишда иштирок этиш ҳолати аниқланганда.

8.4. Банк картани йўқотиш (ўғирлаш) ва (ёки) рухсатсиз фойдаланиш тўғрисида хабар олганидан сўнг, банк картасидан рухсатсиз фойдаланганлиги учун жавобгар бўлади.

8.5. Якка тартибдаги тадбиркор, Банк сингари, шартнома бўйича маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

8.6. Ушбу шартномада назарда тутилмаган ҳолларда томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

9. ЯТТСКХ БЎЙИЧА КОМПЛАЕНС ЧОРАЛАР

9.1. Якка тартибдаги тадбиркор ҳисобрақам очища қуйидагиларни тасдиқлайди ва кафолатлайди:

9.1.1. Шартнома бўйича Банк ўзининг бошқа ҳуқуқларига қўшимча равишида Якка тартибдаги тадбиркорнинг транзакцияларини амалга оширишни кечикириши ва қўшимча равишида текшириш ҳуқуқига эгалигини Якка тартибдаги тадбиркор тан олади;

9.1.2. Банк амалга оширилаётган транзакцияни (пул маблағларининг келиб чиқиш манбаси, транзакциянинг қонунийлиги ва асослилиги ва бошқалар) тўлиқ ўрганиш учун Якка тартибдаги тадбиркорга сўровнома юборишга ҳақли, ўз навбатида Якка тартибдаги тадбиркор қисқа муддат ичидан барча маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

9.1.3. Банк Якка тартибдаги тадбиркорнинг амалга оширилаётган транзакциялар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ёки иқтисодий санкциялар билан боғлиқ қонун ва қоидаларни бузиши мумкинлигини белгилайди.

9.2. Банк қуйидаги ҳолатларда Якка тартибдаги тадбиркор томонидан амалга оширилаётган транзакцияни тўхтатиб қўяди:

9.2.1. агар Якка тартибдаги тадбиркор картасининг транзакцияси Банк томонидан қўшимча ўрганилиши учун зарурат юзага келганда;

9.2.2. агар Якка тартибдаги тадбиркор картасининг транзакцияси халқаро иқтисодий ва молиявий санкциялар доирасига кирса;

9.2.3. агар Якка тартибдаги тадбиркор картасининг транзакцияси санкцияларни четлаб ўтиш мақсадида амалга оширилган бўлса;

9.2.4. агар транзакция Банкнинг фикрига кўра шубҳали деб ҳисобланса ва/ёки ҳукумат, халқаро иқтисодий ва молиявий санкцияларни четлаб ўтиш белгиларига эга бўлса.

9.3. Агар Якка тартибдаги тадбиркор томонидан амалга оширилаётган транзакция Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, даромадларни легаллаштириш, терроризмни

молиялаштириш ва Банкнинг ички қоидаларини бузмаётганлиги Банк томонидан белгиланса, шунингдек, мазкур транзакциялар иқтисодий санкцияларга тушмаса (уларни четлаб ўтиш йўллари бўлмаса), Банк транзакцияларни амалга ошириш учун аввал ўрнатилган вақтинчалиқ чекловни бекор қиласди.

9.4. Агар Банк томонидан Якка тартибдаги тадбиркорнинг ҳисоб рақами ноқонуний транзакцияларни амалга ошириш мақсадида фойдаланилаётганлиги ёки фойдаланиши мумкинлиги аниқланса, шунингдек, мазкур транзакция Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк ички қоидалари, ҳамда даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш қонунчилигини бузса, шунингдек, иқтисодий санкцияларга тушиб қолса, Банк мазкур транзакцияни бир томонлама тўхтатиб қўйиш ва Якка тартибдаги тадбиркорнинг кўрсатилган манзилига хабарнома жўнатиб, ҳисобрақамига банд солиш ҳукуқига эга.

9.5. Якка тартибдаги тадбиркор ҳисобрақамига Банк томонидан банд солингандан сўнг, 30 календар кун ичида Якка тартибдаги тадбиркор ҳисобрақамни ёпиш ва шартномани бекор қилиш бўйича Банкка ариза топшириши керак.

9.6. Якка тартибдаги тадбиркор банк ҳисобрақами очиш жараёнида тақдим этилган манзилга Шартномани бир томонлама бекор қилиш тўғрисида огоҳлантириш юборилган санадан 30 календар кун ўтгандан сўнг, Шартнома бекор қилинган деб топилади, бунда Якка тартибдаги тадбиркор томонидан банк ҳисобрақамини ёпишга ариза топширилиши таълаб этилмайди

10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР

10.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда, Томонлар, уларнинг вакиллари, ходимлари ёки воситачилари ҳар қандай шахсларга, бундай шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига ҳар қандай қонунга хилоф бўлган имтиёзлар ёхуд бошқа ноқонуний мақсадида таъсир кўрсатиш учун ҳар қандай шахсларга тўғридан-тўғри ёки билвосита тўламайдилар, тўловни таклиф этмайдилар, ҳар қандай пул маблағлари ва қимматликларни тўлашга рухсат бермайдилар.

10.2. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда, Томонлар, уларнинг вакиллари, ходимлари ёки воситачилари ушбу Шартноманинг мақсадлари учун қўлланиладиган қонунчиликда малакаланган пора бериш/олиш, тижорат пора олиш, шунингдек, жиноий йўл билан олинган даромадларни легаллаштиришга доир қўлланиладиган қонунчилик ва халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар.

10.3. Ушбу Шартноманинг Томонларидан бири бошқа бир Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришидан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар, ходимнинг муайян қарамликка қўядиган ҳамда ушбу ходим томонидан уни рағбатлантираётган Томоннинг фойдасига бирор бир иш (хизмат)ни текин бажарилишидан бош тортадилар.

10.4. Агар Томон ҳар қандай коррупцияга қарши шартларнинг бузилиши содир бўлган ёки юзага келиши мумкин деб гумон қилса, тегишли Томон бошқа томонни ёзма ёки оғзаки равища ишонч телефони орқали хабардор қилишни ўз зиммасига олади.

10.5. Томонлар ўзларининг мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши шартларини бузганликлари Шартноманинг бекор қилинишига олиб келиши мумкинлигини тан олишади.

10.6. Томонлар ушбу битимнинг коррупцияга қарши шартларини амалга оширишда тўлиқ маҳфийликни кафолатлайдилар.

11. МАХФИЙЛИК

11.1. Банк ва Якка тартибдаги тадбиркор томонидан бир-бирига тақдим этиладиган шартнома мавзусига оид маълумотлар маҳфий ҳисобланади. Томонлар учинчи шахсларга олинган маълумотларнинг ошкор қилинишини олдини олиш учун барча зарур ва етарли чораларни кўрадилар.

11.2. Якка тартибдаги тадбиркор, Банк сингари, ушбу шартномаси бўйича маълумотларни ва банк сирини сақланиши учун жавобгар бўлади.

12. ФОРС-МАЖОР

12.1. Томонлар, агар бу бажармаслик, давлат бошқаруви ва назорат органлари шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан қабул қилинган

чегаралаш-маън этиш хусусиятидаги ёхуд кечиб бўмайдиган кучларнинг қуидаги ҳолатларига киравчи: уруш, зилзила, ёнгин, иш ташлаш ёки бошқа ҳалокатлар (уларнинг айби билан пайдо бўлмаган жиҳозларнинг ишламай қолиши, дастурий таъминотидаги, электр таъминоти ва узатиш тизимларида узилишлар юзага келган, бироқ уларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларига тўсиқ бўладиган) ва Томонлар таъсир қила олмайдиган ва уларнинг пайдо бўлиши учун жавобгар бўлмайдиган ҳужжатлар/чоралар оқибатидан келиб чиқса, шунингдек, ушбу факт ваколатли давлат органлари томонидан ҳужжатлаштирилган бўлса, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар. Томонлар кечиб бўлмайдиган кучларнинг бундай ҳолатларнинг бошланганлиги ва тугаганлиги тўғрисида дарҳол ёзма равища хабардор қилишлари шарт.

12.2. Ваколатли орган томонидан қонунчилиқда ўрнатилган тартибда енгиг бўлмас куч ҳолатлари тасдиқланганида форс-мажор ҳисобланади.

13. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

13.1. Якка тартибдаги тадбиркор ЯТТСКХнинг кўчирмасидан норози бўлганда ёки Картадан фойдаланган ҳолда амалга оширилган тўловлар бўйича баҳсли масалалар/низолар юзага келган тақдирда, Банкка ёзма равища ариза/эътирознома билан мурожаат қиласди. Аризада сана, Ф.И.О., паспорт маълумотлари, Карта эгасининг яшаш манзили ва алоқа телефон рақами, масала/низо мавзуси (моҳияти) ва Якка тартибдаги тадбиркорнинг имзоси кўрсатилади. Аризага тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари (слип, чеклар, кўчирма ва бошқалар) илова қилиниши керак.

13.2. Банк Якка тартибдаги тадбиркорнинг аризасини келиб тушган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кун ичида кўриб чиқади. Текширув ўтказиш, қўшимча материалларни талаб қилиш ёки аризани кўриб чиқиш учун бошқа чораларни кўриш зарур бўлган ҳолларда, аризани кўриб чиқиш муддати Якка тартибдаги тадбиркорга хабардор қилинган ҳолда узайтирилиши мумкин, бунда муддат 30 (ўттиз) кундан ошмаслиги керак.

13.3. Ушбу Шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча низолар томонларларнинг ўзаро мақбул ечим топиш учун музокаралар йўли билан кўриб чиқилади ва агар томонлар ўзаро келишувга эришмаса, низо Якка тартибдаги тадбиркорга хизмат кўрсатадиган Банк филиали жойлашган ваколатли судга юборилади.

14. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

14.1. Мазкур Шартнома Томонлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Томонлардан бири уни бекор қилиш истагини билдиргунга қадар муддатсиз амал қиласди.

14.2. Шартнома, Шартномани бекор қилиш санасидан 5 кун аввал бошқа томонни ёзма хабардор қилиш шарти асосида томонлардан бирининг ташаббуси билан ёки Якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, Қуидаги шартларда бекор қилиниши мумкин, агарда:

- Якка тартибдаги тадбиркорга берилган Карта ишчи ҳолатда банкка қайтарилса;
- Якка тартибдаги тадбиркор барча мажбуриятларни бажарса ва ушбу шартнома бўйича Банк олдида қарздорлиги мавжуд бўлмаса;

- Якка тартибдаги тадбиркор карта ҳисобварағидан маблағларни талаб қилиб олгунча депозит ҳисобварағига қайтариш учун тўлов топшириғини тақдим этганда.

14.3. Шартномага киритилган барча шартлар ва қўшимчалар Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

14.4. Эълон қилинган маълумотлар билан Якка тартибдаги тадбиркорнинг танишган пайти Якка тартибдаги тадбиркор учун маълумотларга эркин тарзда эга бўлиш имконияти мавжуд бўлган вақт ҳисобланади.

14.5. Мазкур Шартномага қўшилган шахсларнинг барчаси киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалардан хабардор бўлиб боришини кафолатлаш мақсадида, Якка тартибдаги тадбиркор ҳар 10 (ўн) календар кунда камида бир марта мустақил тарзда ёки ваколатли

шахслар орқали Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар ҳақида маълумотларни олиш учун Банкка мурожаат қилади.

14.6. Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар Якка тартибдаги тадбиркорни киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида дастлаб хабардор қилингандан бошлаб 10 (үн) календар кундан кейин кучга киради.

14.7. Агарда Банк томонидан Шартнома ва/ёки Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга рози бўлмаган тақдирда, бундай ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар кучга киришидан олдин, Якка тартибдаги тадбиркор муддатидан аввал Шартномани белгиланган тартибда бекор қилишга ҳақли. Якка тартибдаги тадбиркор Банк томонидан Шартнома/Тарифларга киритилаётган ўзгартириш ва/ёки қўшимчалар ҳақида хабардор қилингандан эътиборан 10 (үн) календар куни ичида хизмат кўрсатувчи Банк филиалига мурожаат қилмаган тақдирда, бу унинг Банк томонидан таклиф этилган ўзгартириш ва/ёки қўшимчаларга рози эканлигини англатади.

14.8. Якка тартибдаги тадбиркор, Шартномага қўшилиш тўғрисидаги Ариза Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 361-моддасига мувофиқ “олдиндан розилик” шаклида Банк томонидан кейинчалик киритилган барча ўзгартиришлар ва/ёки қўшимчалар/Тарифларга (шу жумладан, Банк томонидан Шартноманинг янги таҳририда тасдиқлаш) нисбатан қўлланишини тасдиқлади

14.9. Шартнома бекор қилингандан, Картани чиқариш учун тўлов, операцияларни қайта ишлаш учун комиссия ва Банк Тарифига мувофиқ тўланган бошқа тўловлар қайтариб берилмайди.

15. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

15.1. Томонлар ушбу Шартноманинг барча шартлари (томонларнинг ҳуқуqlари ва мажбуриятлари, комиссия тўлаш миқдори ва тартиби ва бошқалар) иккала томон томонидан келишилганлигини ва уларнинг ҳуқуqlари ва манфаатларига зарап етказмаслигини тасдиқлайдилар. Якка тартибдаги тадбиркор ўз ихтиёри билан ва онгли равишда имзолаган ушбу Шартнома бўйича комиссия ва бошқа тўловлар билан танишган ва рози, ушбу Шартноманинг ҳуқуқий оқибатлари унга маълум ва тушунарли.

15.2. Агар ушбу Шартноманинг бир ёки бир нечта қоидалари (шартлари) қонун ёки суд қарори билан ҳақиқий бўлмай қолганда, бу Шартноманинг бошқа қоидаларини (шартларини) бекор қилиш учун сабаб бўлиши мумкин эмас.

15.3. Томонлар Шартнома матни билан яхши таниш, мазмuni аниқ, матни тушунарли, у баён этилган тил бўйича шикоятлари йўқ ва буни имзолаганлиги билан тасдиқлаш мумкин.

15.4. Ушбу шартнома билан тартибга солинмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

15.5. Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

15.6. Қуйидаги иловалар шартноманинг стандарт шакли бўлиб, ушбу шартномада назарда тутилган ҳолатлар юзага келишига қараб тузилади:

15.6.1. Илова №1 – Якка тартибдаги тадбиркорнинг миллий валютадаги банк картасидан фойдаланиш бўйича йўриқнома (Шартлари ва хавфсизлик чоралари) (электрон варианти билан [www.ofb.uz/.....](http://www.ofb.uz/) сайтида танишиб чиқиш мумкин);

15.6.2. Илова №2 - 9. ЯТТСКҲ очиш ва Якка тартибдаги тадбиркорнинг миллий валютадаги банк картасини чиқариш учун Ариза намунаси;

15.6.3. Илова №3 - ЯТТСКҲ ва Якка тартибдаги тадбиркорнинг миллий валютадаги банк картасини ёпиш учун Ариза намунаси;

15.6.4. Илова №4 - Якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картасини қайта чиқариш учун Ариза намунаси;

15.6.5. Илова №5 - Якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картасининг йўқолганлиги тўғрисида Ариза намунаси;

Якка тартибдаги тадбиркорнинг миллий валютадаги банк картасидан фойдаланиш бўйича йўриқнома (Шартлари ва хавфсизлик чоралари)

1. Якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картасини олиш тартиби

- 1.1. Банк, якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картасини потенциал эгасига, банк масъул ходимига шахсини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этгандан сўнг шахсан топширади.
- 1.2. Хавфсизлик мақсадида якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картаси эгасига Банк ускуналари (терминаллари) ёрдамида Карта ПИН-кодни алмаштириш тавсия этилади. Ушбу ПИН-код Карта эгасини аниқлаш ва товар, иш ва хизматлар учун компаниялар билан нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда карта операциясини тасдиқлаш учун ишлатилади.
- 1.3. Банқда якка тартибдаги тадбиркор банк картасини олаётганингизда Сиз ўзингизнинг, фамилиянгиз ва унда кўрсатилган якка тартибдаги тадбиркор исмини тўғрилигини текширишингиз зарур. Агар Сиз уларни ёзишда хатоликларни аниқласангиз, бу ҳақда Банк ходимига хабар беринг.

2. Якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картасидан фойдаланиш.

- 2.1. ПИН-кодни эслаб қолинг, банк картасида ПИН-кодни кўрсатмаслик керак;
- 2.2. Ҳеч қачон, ҳеч қандай ҳолатда, Банк картасини ёки унинг реквизитларини учинчи шахсларга, шу жумладан қариндошларига фойдаланиш учун топширманг.
- 2.3. ПИН-код фақат қонуний карта эгасига маълум бўлиши керак; пул маблағларини хавфсиз сақлаш ва тажовузкорларнинг картадаги маблағларга киришини олдини олиш учун ПИН-код бегона шахсларга берилмаслиги керак.
- 2.4. Банк картасининг йўқолишини (шу жумладан йўқотиб қўйиш/ўғирлатишни) олдини олинг.
- 2.5. Банк картасини сақлаш ва ундан фойдаланиш шартларига эътибор беринг. Банк картасини механик, ҳароратли ва электромагнит таъсирга дучор қилмаслик, шунингдек, нам жойдан сақлаш керак. Банк картасини мобил телефон, майший ва офис жиҳозлари ёнида сақлаш мумкин эмас.
- 2.6. ЯТТСКҲдаги маблағларини ҳисобдан чиқаришда Сиз қуидагиларни ёдда тутишингиз керак:
 - Агар операциянинг валютаси бир хил бўлса, операция миқдори ЯТТСКҲ томонидан акс эттирилади;
 - ЯТТСКҲдаги маблаг қолдиги доирасида Банк картасидан фойдаланган ҳолда операцияларни амалга оширишга рухсат берилади;
- 2.7. Товарлар/ишлар/хизматларни тўлашда Банк картасининг Эгаси банк картасини чекида ҳамда унинг барча нусхаларида банк картасининг рақами, шунингдек, Банк картасини ишлатилаган ҳолда амалга ошириладиган операциянинг санаси, суммаси ва валютаси тўғри кўрсатилганлигига олдиндан ишонч ҳосил қилган ҳолда карта чеки (слип) ёки электрон терминал квитанцияси билан ҳужжатни имзолаши керак. Карта Эгаси Банк картасидан фойдаланган ҳолда операция суммаси кўрсатилмаган слипга (ёки чекка) имзо чекишига ҳақли эмас.
- 2.8. Агар банк картаси орқали тўловни амалга оширишга уриниш пайтида "муваффақиятсиз" операция содир бўлган бўлса, ушбу операциянинг йўқлигини банк томонидан кўчирма олганда текшириш учун терминал томонидан берилган чекнинг битта нусхаси сақланади.
- 2.9. Маълумот алмашиб ва Банк билан ўзаро алоқада бўлиш учун фақат Банқдан тўғридан-тўғри олинган ҳужжатларда кўрсатилган алоқа воситаларининг тафсилотларидан (мобил ва

стационар телефонлар, факслар, WEB-сайтлар, оддий ва электрон почта хабарлари ва бошқалар) фойдаланилади.

2.10. Банк картасини эгаси фойдаланиш учун уни учинчи шахсга ўтказилган тақдирда ёки банк картаси эгаси ўз реквизитларини учинчи шахсга хабар қилган тақдирда, барча банк картаси ёки реквизитлари ёрдамида амалга оширилган операциялар бўйича сарфланган суммалар мижознинг ЯТТСКХдан шартсиз ўтказилади.

2.11. Тушунмовчилик ёки саволлар юзага келганда, Банкка + 998 71 200 88 99 (Call-center) телефон рақами орқали мурожаат қилинг. Call-center ходимлари Сиздан манзилингиз, телефон рақамингиз, Картангиз рақами ва Сизнинг маълумотларингиз ҳақида телефон орқали маълумот олади ва Сизга Картадан фойдаланиш билан боғлиқ ҳар қандай муаммолар ва масалалар ечими бўйича кечаю-кундуз ҳал қилишда ёрдам беришга тайёр.

3. Товарлар ва хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш учун якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картасидан фойдаланиш бўйича тавсиялар

- Ишончли бўлмаган савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотларида якка тартибдаги тадбиркор банк картасидан фойдаланманг.
- Фақат ўзингиз ҳузурингизда Банк картаси билан операцияларни ўтказишни талаб қилинг. Бу картада кўрсатилган шахсий маълумотларингизни қонунга хилоф равишда олиш хавфини камайтириш учун зарур.
- Агар банк картаси орқали тўловни амалга оширишга уриниш пайтида "муваффақиятсиз" операция содир бўлган бўлса, ушбу операцияни кейинчалик банк ҳисботларида йўқлигини текшириш учун терминал томонидан берилган чекнинг битта нусхасини сақлашингиз керак.

4. Якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картасини блокировка қилиш

4.1. Якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картасидан фойдаланганда, ПИН-кодни кетма-кет териш учун иккитадан ортиқ бўлмаган нотўғри уринишларни амалга ошириш мумкин. ПИН-кодни киритишда учинчи марта нотўғри уринишдан сўнг, банк картаси автоматик равишда блокланади. Бундай ҳолатда, Сиз банк картангизни блокдан чиқариш ёки қайта чиқариш тўғрисида ариза бериш учун банк картангизни берган банк филиалига мурожаат қилишингиз керак.

4.2. Банк картаси эгаси банк картасини йўқотиш ёки банк картасидан рухсатсиз фойдаланиш фактини аниқлаганда бу ҳақда Банкка хабар беради (Call-center: + 998 71 200-88-99).

4.3. Картани йўқотиш ёки картадан рухсатсиз фойдаланиш тўғрисида банкка хабар берилмаган тақдирда, барча хатарлар Карта эгаси зиммасида бўлади.

4.4. Агар илгари йўқолган (ўғирланган) деб эълон қилинган Якка тартибдаги тадбиркорнинг банк картаси топилган бўлса, бу ҳақда дарҳол банкка хабар бериш керак, бундай банк картасидан фойдаланиш тақиқланади.

5. Якка тартибдаги тадбиркорнинг амал қилиш муддати ва банк картасини қайта расмийлаштириш

5.1. Банк 5 календар йил давомида эгаси учун Картани чиқаради. Картада картанинг чиқарилган санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилган. Карта чиқарилган кундан бошлаб 5 йил ўтгач, Эгаси янги банк картасини чиқариш тўғрисида Банкка мурожаат қилиши керак. Банк картаси, карта олд қисмида кўрсатилган ой ва йилнинг сўнгги кунигача амал қиласди.

5.2. Амал қилиш муддати тугагандан сўнг, банк картаси янги рақам ва янги амал қилиш муддати билан қайта чиқарилади, ЯТТСКХ рақами эса ўзгармайди.

5.3. Шуни эсда тутингки, банк картаси Банкнинг мулки ҳисобланади ва вақтинча фойдаланиш учун Эгасига ўтказилади ва у Шартнома муддати тугагандан кейин ёки бекор қилингандан сўнг картани банкка қайтариши керак.

к договору присоединения по обслуживанию банковских карт индивидуального предпринимателей в национальной валюте, эмитированных в ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС»

ЗАЯВЛЕНИЕ
на закрытие СКСИП и банковской карты индивидуального предпринимателя

От владельца банковской карты:

Индивидуальный

Номер карты:

Номер СКСИП: 2 2 6 1 9

Прошу расторгнуть договор об обслуживании сумовых банковских карт ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС» и закрыть мой ССКС, а также сумовую банковскую карту индивидуального предпринимателя, номер которой указан выше. При этом возврат средств, находящихся на ССКС, прошу осуществить следующим образом:

перечислить на счет №:

наименование банка: _____ МФО банка: _____

В случае возникновения задолженности по карточке, вызванной вследствие задержек транзакций, совершенных ранее с помощью указанной выше банковской карты, обязуюсь выплатить необходимую сумму.

РЕКВИЗИТЫ ИНДИВИДУАЛЬНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЯ:

Адрес места осуществления деятельности: _____

Домашний адрес: _____

Контактные телефоны: _____ E-mail: _____

БАНКОВСКИЕ РЕКВИЗИТЫ:

Р/с: _____

МФО: _____

ИНН: _____

ОКОНХ: _____

Наименование банка: _____

Подпись: 

М.П.

Дата: 

СЛУЖЕБНЫЕ ОТМЕТКИ БАНКА

Код учреждения банка: _____

Служебное действие/решение/отметки	Ф.И.О. сотрудника	Подпись
Заявление принял (ла):\n		
Произведена капитализация:		
ССКС заблокирован:		
ССКС закрыт:		

СПРАВКА
о принятии банковской карты на закрытие/перевыпуск

Номер Карты:

принадлежащая:

(наименование индивидуального предпринимателя)

была принята от владельца | | В | | с целью закрытия ССКС

день месяц год

час минут

наименование отделения банка _____

Ф.И.О. и должность
работника банка



к договору присоединения по обслуживанию банковских карт индивидуального предпринимателей в национальной валюте, эмитированных в ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС»

ЗАЯВЛЕНИЕ
на перевыпуск банковской карты индивидуального предпринимателя

От владельца банковской карты:

Индивидуальный
предприниматель _____

Номер старой карты:

_____	_____	_____	_____
-------	-------	-------	-------

Прошу перевыпустить на мое имя банковскую карту в связи с причинами, указанными ниже. Я подтверждаю достоверность и полноту предоставленной ниже информации, я уполномочиваю вас осуществлять все необходимые запросы.

ПРИЧИНА ПЕРЕВЫПУСКА КАРТЫ:

- истечение срока действия карты
 техническая неисправность: _____

В случае обнаружения технической неисправности, вызванной вследствие неправильного моего обращения с банковской картой, обязуюсь уплатить установленный Тарифом Банка штраф.

РЕКВИЗИТЫ ИНДИВИДУЛЬНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЯ:

Адрес места осуществления
деятельности: _____

(Укажите адрес)

Домашний адрес:

(Укажите адрес)

Контактные телефоны: _____

E-mail: _____

БАНКОВСКИЕ РЕКВИЗИТЫ:

Расчетный счет: _____ МФО: _____

ИНН: _____

Наименование банка: _____

ИНДИВИДУЛЬНЫЙ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬ ОТВЕТСТВЕННЫЙ ЗА ОСУЩЕСТВЛЕНИЕ ОПЕРАЦИЙ С КАРТОЧКОЙ:

Ф.И.О. _____

Паспортные данные:

Серия: _____ Номер: _____ Кем выдан: _____

Дата выдачи: _____

КОНТРОЛЬНАЯ ИНФОРМАЦИЯ

Достоверность содержащихся в настоящем Заявлении сведений подтверждаю.

Согласен с тем, что Банк:

- имеет право проверить содержащиеся в настоящем Заявлении сведения
- может использовать сведения, содержащиеся в настоящем Заявлении, для отправки рекламно-информационных материалов Банка
- оставляет за собой право отказать в выпуске банковской карты без объяснения причины.

С Тарифом и Правилами использования карт ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС» ознакомлен и обязуюсь их выполнять.

Подпись: 

М.П.

Дата: 

СЛУЖЕБНЫЕ ОТМЕТКИ БАНКА

Код учреждения банка:

Служебное действие/решение/отметки	Ф.И.О. сотрудника	Подпись
Заявление принял (а), старая карта у Владельца изъята		
Согласовано		
Карта изготовлена и работоспособна. Номер карты указан ниже:		

Номер новой карты:

_____	_____	_____	_____
-------	-------	-------	-------

Приложение – 5
к договору присоединения по обслуживанию банковских карт индивидуального предпринимателей в национальной валюте,
эмитированных в ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС»

ЗАЯВЛЕНИЕ
об утере банковской карте индивидуального предпринимателя

От владельца банковской карты:

Индивидуальный
предприниматель _____

Настоящим сообщаю об утере банковской карты, выпущенной банком на мое имя.

Прошу выпустить на мое имя новую карту. С условиями выпуска новой карты ознакомлен, обязуюсь уплатить Банку, установленный Тарифом Банка штраф за выпуск новой карты взамен утерянной.

Номер карты (если помните):

_____	_____	_____	_____
-------	-------	-------	-------

_____	_____	_____	_____
-------	-------	-------	-------

_____	_____	_____	_____
-------	-------	-------	-------

_____	_____	_____	_____
-------	-------	-------	-------

РЕКВИЗИТЫ ИНДИВИДУАЛЬНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЯ:

Адрес места осуществления
деятельности:

_____ (Укажите адрес)

Домашний адрес:

_____ (Укажите адрес)

Контактные телефоны:

E-mail: _____

БАНКОВСКИЕ РЕКВИЗИТЫ:

Расчетный счет: _____ МФО: _____

ИНН: _____

Наименование банка: _____

ИНДИВИДУАЛЬНЫЙ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬ ОТВЕТСТВЕННЫЙ ЗА ОСУЩЕСТВЛЕНИЕ ОПЕРАЦИЙ С КАРТОЧКОЙ:

Ф.И.О. _____

Паспортные данные:

Серия: _____ Номер: _____ Кем выдан: _____

Дата выдачи: _____

КОНТРОЛЬНАЯ ИНФОРМАЦИЯ

Согласен (на) с тем, что Банк:

- имеет право проверить содержащиеся в настоящем Заявлении сведения
- может использовать сведения, содержащиеся в настоящем Заявлении, для отправки мне сообщений рекламно-информационных материалов Банка
- оставляет за собой право отказать в выпуске банковской карты без объяснения причины.

С Тарифом и Правилами использования карт ЧАКБ «ОРИЕНТ ФИНАНС» ознакомлен и обязуюсь их выполнять.

Подпись: 	М.П.	Дата: 
--	------	---

СЛУЖЕБНЫЕ ОТМЕТКИ БАНКА

Код учреждения банка:

Служебное действие/решение/отметки	Ф.И.О. сотрудника	Подпись
Заявление принял (а), старая карта у Владельца изъята (в случае истечения срока действия и технической неисправности карты)		
Согласовано		
Карта изготовлена и работоспособна. Номер карты указан ниже:		

Номер новой карты:

_____	_____	_____	_____
-------	-------	-------	-------